

1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

16 ноябрь, чоршанба, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 225 (973)

ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК



Ш. ИБРОҲИМОВ олган сурат.

Ишонч билан айта оламизки, барча сайлов комиссиялари жойлардаги ҳокимият органларининг фаол ёрдамида Олий Мажлисга ўтказиладиган биринчи сайловнинг эркин, демократик сайлов бўлиши, фуқаролар ўз сайлов ҳуқуқларидан тўла-тўқис фойдаланишлари, жамиятимизда бундан буён ҳам тинчлик, тотувлик ва барқарорликнинг мустаҳкамланиб бориши учун зарур бўлган ҳамма ишни қиладилар.

Илгари хабар қилганимиздек, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раисларининг семинар-кенгаши ўтказилди. Семинарда республикамизда амалга оширилган сайлов тизими ислохоти муносабати билан қабул қилинган қонунлар, хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунни амалда қўллаш ва сайловларни демократик талаблар асосида ўтказиш ҳақида кенг фикр алмашилмоқда.

Семинарнинг 15 ноябрдаги йиғилиши БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги вакили жаноб Халид Маликнинг маърузаси билан бошланди. Нотиқ мамлакатимизда ўтказиладиган ислохотларни ижобий баҳолаб, семинар-кенгаш каби тадбирлар ошқора фикр алмашиш, мамлакатимизда содир бўлаётган ўзгаришлар тўғрисидаги ҳаққоний ахборотни жаҳон ҳамжамиятига етказиш имконини беришини таъкидлаб ўтди. Мухим сиёсий кампания -- мустақил Ўзбекистон янги парламенти сайлов олдида ана шундай амалий тадбирнинг уюштирилганлиги кўпгина саволлар ва тушунмовчиликлар ўз ечимини топишига кўмаклашиши-

ни қайд этди ва сайловларни ўтказишда муваффақият тилади. Шундан сўнг сўзга чиққан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби А. Жалолов ва «Ватан тараққиёти партиясининг раиси А. Йўлдошев семинар-кенгаш қатнашчиларига Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш яқунлари ҳақида, ўз сайловолди дастурларининг асосий қоидалари тўғрисида ахборот бердилар. Ўзбекистоннинг янги парламенти сайлови натижалари учун сиёсий партияларнинг масъулияти ошганлигини қайд этдилар. Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Г. Аннакличева ўз нутқида Олий Мажлисга сайловга тайёргарлик Қорақалпоғистонда қандай бораётганлиги хусусида муфассал гапириб берди. Семинар қатнашчилари олдида сўзга чиққан республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқарувининг раиси Ш. Темиров фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сайлов кампаниясидаги иштироки масалаларига эътиборни қаратди.

Семинар-кенгашда АҚШнинг Ўзбекистондаги фавкулда ва мухтор элчиси жаноб Генри Ли Кларк, Туркия Республикаси элчиси жаноб Эрдуғон Айтун, Германия Федератив Республикаси элчиси доктор Карл Хайнц Куна, Япония элчиси жаноб Укэру Магосаки, Франция элчиси жаноб Жан Поль Везиан, Буюк Британия элчиси жаноб Пол Берн, Конрад Аденауэр фондининг халқаро кузатувчиси жаноб Седат Аккай, Украина элчиси жаноб В. Смета-

нин сўзга чиқдилар.

Сўзга чиққан чет эллик вакиллар семинар-кенгаш қатнашчиларига ўз мамлакатларидаги сайлов тизимининг асослари тўғрисида гапириб бердилар, мустақил Ўзбекистонда биринчи бор кўппартиялик асосидаги депутатлар сайловига тайёргарлик қандай бораётганлиги ўз мамлакатлари жамоатчилигида қизиқиш катта эканини таъкидладилар. Ўзбекистоннинг сайловга оид қонунларида демократик нормалар мустаҳкамлаб қўйилганини уқтириб ўтдилар.

Хусусан, АҚШ элчиси Генри Ли Кларк қонун ишлаб чиқиш жараёнида ўзаро ҳамкорликни таъкидлаб, Ўзбекистоннинг сайловга оид янги қонун лойиҳалари устида иш олиб борилаётган пайтда АҚШ экспертлари билдирган қатор тақлифлар ҳисобга олинганидан мамнун эканлигини билдирди. Туркия элчиси жаноб Эрдуғон Айтун сайлов тўғрисидаги

қонунларимизга баҳо берар экан, депутат бўлиш ҳуқуқини берувчи талаб ва қоидалар ҳам халқаро демократик нормаларга мос келишини, жумладан, Туркия қонунларида ҳам худди шундай нормалар мавжудлигини таъкидлади.

Куннинг иккинчи ярмида семинар-кенгаш қатнашчилари учта секцияга бўлиниб, Тошкент шаҳрининг округ сайлов комиссиялари иш тажрибаси билан танишдилар. Давра суҳбати ўтказилди, сайлов ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби билан танишилди, савол-жавоблар бўлди.

Секцияларнинг ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қ. Аҳмедов иштирок этдилар.

Семинар-кенгаш ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎЗА)

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР
ЁРДАМИ

Халқаро экспертлар Ўзбекистон шифокорлари билан биргаликда нуқул экология вазияти вужудга келган Оролбўйи аҳолисини соғломлаштиришда ёрдам бериш лойиҳасини амалга оширишга киришдилар. Америка Қўшма Штатларининг ҳукуматга дахли бўлмаган «Кросслинк интернейшнл» хайрия ташкилоти, Ўзбекистон одамийлик ёрдами бўйича комиссияси ва республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари шу лойиҳа доирасида мазкур минтақада соғлиқни сақлаш соҳасида вужудга келган вазият билан танишдилар. Оролбўйи аҳолиси орасидаги бир қанча касалликларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича кенг кўламли дастурни белгилайдилар. Тошкентда республика тиббиёт олимлари ва мутахассислари билан бўлиб ўтган учрашувлар ана шу тадбирнинг дастлабки яқунлари чиқарилди. Бу яқунлар Нукус ва Мўйноқда ҳам муҳокама қилинади.

Ҳозирги пайтда камқонлиққа қарши кураш барча мамлакатларда соғлиқни сақлашнинг долзарб муаммоси бўлиб қолди. Мўйноқда ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, болалар ва ёш аёллар орасида бу касаллик кўпроқ учрайди. Бироқ, мутахассисларнинг ҳулосаларига қараганда, беморлар таъмига сабзавот ва мева киритиб, туш истеъмол қилишни кўпайтириб хасталикни осонгина даволаш ва олдини олиш мумкин.

«Кросслинк интернейшнл» республика шифокорларига ёрдам кўрсатиш юзасидан кўп иш қилди. Хусусан, Мисирнинг штати диглартаменти, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда 18 тоннадан ортиқ одамийлик ёрдами юқларини келтиришни ташкил этди ва уни Андижон вилоятидаги зилзиладан зарар кўрган даволаш муассасаларига тақсимлаб берди. Шу ташкилотнинг мадади билан Ўзбекистонлик оғир касалликка учраган беморлар Америка касалхоналарида даволаниш ва тиббий маслаҳат олиш имконига эга бўлдилар. Хайрия ташкилоти мутахассислари Ўзбекистонда қанд диабетни касаллигига қарши курашда ҳам ёрдам беришди.

«Кросслинк интернейшнл» бир неча бор илмий симпозиумлар, Ўзбекистон шифокорларининг Америка тиббий марказлари ва касалхоналарида малака оширишини ташкил этди. Тажриба алмашиш юзасидан 40 нафардан кўпроқ хорижий мутахассислар республикамизга келиб кетди. «Кросслинк интернейшнл» бошқа ташкилотлар билан биргаликда Оролбўйидаги қишлоқларда сифатли ичимлик сув олиш учун 300 тадан кўпроқ кудуқ қазитиш пул ажратди.

Оролбўйидаги ҳозирги хайрия лойиҳасини амалга ошириш бир неча йилга мўлжалланган. Шу лойиҳа доирасида «Кросслинк интернейшнл» Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан биргаликда Мўйноқ аҳолиси учун касалликларнинг олдини олиш дастурини тайёрлашга киришди. Бу минтақада молиявий, ташкилий ва услубий ёрдам берилади. Жумладан, яқин кунларда бу ерга болалардаги камқонлиқни даволашга мўлжалланган доридармонлар келтирилади. Бу тадбирларни амалга оширишда Британиядаги «Болаларни қутқариш» хайрия ташкилотининг мутахассислари, бошқа ҳомийлар ҳам қўшилмоқда.

Принсип ҚУЛМАТОВ.

Семинар қатнашчилари нутқидан:

Халид МАЛИК,
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили:

-- ...Мен ушбу семи-

нар-кенгашда қатнашаётганлигимдан беҳад мамнунман. Олий Мажлисга ўтказиладиган сайлов жамиятининг демократлаштириш йўлидаги энг жиддий қадам бўлади. Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти бизни сайловда БМТ номидан назоратчи сифатида қатнашишимизни тақлиф қилди. Мен Марказий сайлов комиссияси вакиллари билан бўлган учрашувда сайлов қоидалари билан боғлиқ жу-

да кўп ижобий хислатларни қайд этдим. Ўзбекистон учун энг муҳим вазифа-сайлов кампаниясини демократик руҳда, сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олган ҳолда ўтказишдан иборат. Ушбу жараёнга пухта ва аниқ тайёргарлик кўриш, уни кўнгилдагидек ўтказиш, у ҳақда мамлакат ичкарасию ташқарисида атрофлича маълумотга эга бўлиш жуда катта масъулият талаб қилади...

Генри Л. КЛАРК
Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси:

-- Мустақил Ўзбекистон Республикасида янги Конституцияга биноан биринчи марта парламент сайловларини ўтказишда сизнинг олдингизда катта тарихий масъулият турибди... Ўтган йили америкалик ҳуқуқшунослар уюшмаси Ўзбекистоннинг сайлов тўғрисидаги қонун лойиҳасини ўрганиб чиқди ва унинг, айниқса охириги лойиҳасига боғлиқ тақлифларини кўриб, биз нихоятда мамнун бўлдик. Ўзбекистон ҳукумати Американинг яна бир

бошқа ҳукуматга тегишли бўлмаган ташкилоти -- Сайловлар тизимлари учун халқаро жамғармасини бўлажак сайловларга ёрдам беришга тақлиф қилди ва ҳозир биз бу борада биргаликда ишлаяпмиз.

Нихоятда муваффақиятли, одил сайлов ўтказишингизга тилакдошман. Сизлар ўз давлатингизнинг демократия томон тарихий ривожланишида иштирок этиш имкониятига эга бўлгангизингиз жуда катта бахтдир.

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК



А. ЖАЛОЛОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Комитетининг биринчи котиби:

Хаммамизнинг зиммасига республикамизнинг давлат ҳокимияти вакил-

лик идораларига илк бор кўппартиялик асосида ўтказилган сайловларни ташкил қилиш, уларда иштирок этишдек юксак шараф ва катта масъулият тушди. Бу тарихий воқеани Ўзбекистонимиз учун улкан сиёсий аҳамиятга эга эканлиги шак-шубҳасиздир. Мазкур сайловлар ўзининг моҳият-эътибори билан мустақил давлатимиз ҳаётида янги даврни бошлаб беради, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш учун мустақам, пишик-пухта пойдевор яратди.

Ушбу сайловларга жаҳон афкор оммаси, демократик жамоатчилик катта

қизиқиш билан қараётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бугунги анжуманда хорижий меҳмонлар, пойтахти-мишдаги чет эл дипломатик ваколатхоналарининг раҳбарлари иштирок этаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Шу билан ҳам бўлажак сайловлар халқимизни мазкур сайловларда иштирок этаётган сиёсий кучларнинг асл демократик қонунарга, қоидаларга, аъёнларга мойил эканликлари ишончли тарзда намойиш этмоғи зарур. Юртимиздаги янги сайловларнинг демократик тарзда ўтиши асосидагина биз умуммиллий жипсликни ва аҳил-дил таъминлай оламиз.



А. ЙҮЛДОШЕВ, «Ватан тараққиёти» партияси раиси:
ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонуналар

асосида бўладиган кўппартиявий сайловларда биз ҳам қатнашиш шарафига муносиб бўлидик. Бу мамлакатимиздаги демократик жараёнларнинг янги поғонага кўтарилаётганидан далолат беради.

Кўппартиявийлик -- расмийлик эмас. Бу -- ҳаётий зарурат, тараққиётнинг муҳим омили эканлиги барчага аён. Халқимиз «Маслаҳатли тўй тарқамас» дейди. Маслаҳатда турли фикрлар, таклифлар, мулоҳазалар бўлади. Ана шу фикрлар муҳокама қилиниб, оқилона йўл танланади. Кўппартиявийлик асосида ташкил бўладиган Олий Мажлисда ҳам шундай мурося негизда пишик-пухта, халқ манфаати-

ни тўла ифода этадиган қонун ва қарорлар қабул қилиниши шубҳасиз. Қолаверса, кўппартиявийлик парламентда мувоzanат бўлишини таъминлайди.

Партиямиз номидан Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият органларида кўрсатилган номзодлар Ватан истиқболи йўлида фидойилик билан хизмат қилувчи, халқнинг қорига яровчи салоҳиятли инсонлардир. Улар орасида таълиқли олимлар ва маданият ходимлари, тадбиркорлар ва иқтисодчилар, нуфузли жамоат ташкилотлари вакиллари, эркин деҳқонлар, фермерлар бор.

Долзарб муаммо

ЕРНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Бу масала Фарғона вилоятида долзарб вазиёлардан бири бўлиб турибди.

ХАЛҚИМИЗ азалдан ерни эъзозлаб, қалб қўрини баҳа деб этиб келади. Миллий ағналаримиз ва урф-адобиимизнинг қанчадан-қанчаси саҳий замин, она тупроқ билан чамбарчас боғлиқлиги ҳам ерга нисбатан муҳаббат ва садоқатнинг ифодаси бўлиб ажабмас.

Хўш, бизни тўғриладиган, кийинтирадиган ерларга бўлган муносабат кейинги йилларда ўзгардими? Балки чиройли риволанг, ибораларда ўзгардирди. Лекин масаланинг туб моҳиятига разм солсак-чи? Бу борадаги манзара айричалиги бизни ҳайратга солиди. Юртбошимиз яқинда Фарғона водийси вилоятларида бўлганида шу мавзуда сўз очди. Бунинг ҳисобига олган Фарғона вилояти ҳокимлиги тизги тадбирлар, амалга оширилган ишлар мажмуини ишлаб чиқди. Яқинда ўтказилган йилгиликда ҳам, асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг савдо ва маҳсулот қўрсатиш соҳаси объектларини ер участкалари билан қўшиб, хусусий мулк қилиб сотиш тўғрисидаги қарорининг бажарилиши қизгин муҳокама қилинди.

-- Хусусийлаштириш халқ манфаатларида хизмат қилиши лозим, -- дейди вилоят ҳокими Мирзажон Исмолов. -- Бу борада республикамизда, вилоятимизда қатор ибратли ишлар қилинди. Лекин юртбошимиз бизда амалга оширилган ишлар талаб даражасида эмаслигини ҳаққоний танқид қилди. Биз бир гуруҳ ҳокимлар Голландияда бўлганимизда ернинг нақадар мўъжизавий қудратига эга эканлигининг шохиди бўлидик. Бу мамлакатда галладан ўртача 70 центнердан ҳосил олинса, зарар қўрилар экан. Биз эсақ шунинг ярмича ҳосил олиб, кўкрак қериб юрибмиз.

Ҳақиқатдан ҳам вилоятда қишлоқ ҳўжалигида фойдалангандан 677 минг гектар майдон бор. Утган йили шу майдонларнинг 55 минг гектарига бошқоқ дон экилди. Сувсизлик, совуқ уруши, табиий офатлар натижасида 2 минг гектардан кўпроқ майдонда бутунлай ҳосил битмади. Лекин масаланинг моҳияти бунда эмас. Ҳамон вилоятдаги бир қатор туманларда 18-20 центнер атрофида дон ҳосили олинган. Ўзбекистон, Фарғона, Ёзёвон туманлари, Қувасой шаҳри ҳўжаликлари шулар сирасига кириди. Боғдод туманидаги «Дўстлик», Бувайда туманидаги «Шарқ юлдузи», Риштон туманидаги «Ейилма», Ўзбекистон туманидаги «Гулистон» ва «Бўстон», Фарғона туманидаги «Галаба» жамоа ҳўжаликларида 5 центнердан 9 центнергача ҳосил олинган. Юртбошимиз галла мустақиллигига эришмай туриб иқтисодий мустақилликка эришиб бўлмаслигини баралла айтганда бир пайтда бу ҳўжаликлар эришган натижаларни қандай баҳолаш мумкин?

Бу ҳам майли. Соҳибкорлик соҳасида ном таратган фарғоналиклар картошка етиштиришга негалир иккинчи даражали соҳа деб қарашмоқда. Тўғри, вилоятда 170-230 центнердан ҳосил кўтарайотган туманлар, ҳўжаликлар ҳам йўқ эмас. Лекин ернинг умрини беҳудга ўтказиб, сарфланган уруғ пулини ҳам жойига қўймаётган ҳўжаликлар раҳбарларнинг бамайхотир, беғам қайғийда юрганлиги кишини ўйлантириб қўяди. Охунбобоев туманидаги Навоий номи, Фарғона туманидаги Охунбобоев номи, Ёзёвон туманидаги Ёқубов номи, Бувайда туманидаги «Янги қадам», Данғара туманидаги Худойбердиев номи, Риштон туманидаги «Пандигон» жамоа ҳўжаликларида ҳар гектар ерга сарфланган уруғ микдоридан икки баравар кам -- 20-30 центнердан ҳосил олинди, холос. Пахта билан тенг ҳосил олаётган бу ҳўжалик соҳибкорлари эришган натижалардан ёқа ушлайсан, киши.

Ерни ҳақиқий эгасига топшириш тўғрисида икки-уч йилдан бери жиддий гап борапти. Лекин нимагадир бу вазиёра асосан томоғқа ҳўжаликларида дахлдор деб тушуналганлар сафи сира қамаймапти. Бундан 15-20 йил илгари Олтиариқ туманидаги «Файзобод» муҳона мажмуида 15 гектар ер ажратиб берилган эди. Илгари деҳқончилик қилинган бу майдонлар атрофи ўраб олинди. Ачинарлиси шундаки, ўтган йиллар мобайнида бу майдонларга на бирорта дарахт ўтказилди, на бирорт ботмон уруғ сеппилди. Ернинг куч-қувватини эса ажриқ олиб ётди. Яқинда ана шу эгасиз ва ҳўжасиз ер яна деҳқонлар қўлига топширилди. Энди бу майдонларни яна асли ҳўлига қайтариш, серҳосил заминга айлантириш учун деҳқонга қанчадан-қанча тер тўкишга тўғри келади.

Вилоят ҳокимлиги энди бу соҳани қатъий назоратга олаётти. Ажратилган ерлардан ҳўжасизларча фойдаланганлиги ёки бутунлай ташлаб қўйилганлиги учун ҳам Чимён санаторияси ёрдамчи ҳўжалигига қарашли 42 гектар, Охунбобоев туманидаги қишлоқ ҳўжалигига кимё хизмати қўрсатиш бошқармасига қарашли 9 гектар, алоқа бўлими тасарруфидида 10 гектар, 43-хўнар-техника билим юрти ихтиёридаги 18 гектар қаровсиз ерлар яна жамоа ҳўжаликларида олиб берилди.

Бир пайтлар Кўҳон ёр-мой комбинатига қарашли ёрдамчи ҳўжалик нафақат республика, балки собиқ Иттифоқда энг намунали ёрдамчи ҳўжаликлардан бири сифатида эътироф этилган, бу ерга олис-олислардан меҳмонлар ташриф буюриб, тажриба ўрганиб қайтишган эди. Кейинчалик комбинатнинг раҳбарлари ўзгариб, ёрдамчи ҳўжалик ўтай тармоққа айланди-қолди. Унинг Бешариқ тумани ҳудудида оз эмас, кўп эмас 46 гектар экин майдони бор. Бу йил шу майдонларнинг бор-йўғи бир гектарига экин экилди, холос. Кечатига тароват тартиб турган далавларда бутун шамол ўйнайди, ерининг шўри қўпчиб юзага уриб қолган. Худди шундай аҳволни Қўҳондаги «Большее» заводига қарашли 16 гектар, пайпоқ тўқуш комбинатига қарашли 7 гектар, Бешариқ тумани йўл ташкирлаш участкасига ажратиб берилган 8 гектар, кўча механизациялашган колонна тасарруфидида 5 гектар экин майдонларида ҳам кузатиш мумкин. Бу майдонларнинг аксари қисми янгилан ўзлаштирилиб, чул бағридан тортиб олинган эди. Энди эса бу ерлар «асл ҳўлига» қайтарилиб, қўриққа айлантирилипти. Аиниқса, юқоридаги ташкилотларнинг кўпчилигида ер тўғрисидаги қонун талаблари қўпол равишда бузилиб, ерлар ўзбошимчилик билан қандайдир сирли шахсларга бўлиб берилганлиги бу соҳада тезда тартиб ўрнатилш тўғри муҳимлигини тақозо этмоқда.

Республикамиз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ ер тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилинганлиги бу соҳага эътибор ва масъулиятни янада кучайтириш лозимлигидан далолат эди. Ерни ўз-ўзидан бериб юборишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ер бизнинг шарафимизда жамоа ҳўжаликларида узоқ муддат фойдаланиш учун бериб қўйилган. Ваколати бўлмаган ташкилотларнинг ерга ҳўжаликлик қилиш қонун йўли билан қатъий таъқиқланади. Фарғона шаҳар ҳокимлиги бу талабни унутиб қўйганга ўхшайди. Бўлмаса Оқариқ жамоа ҳўжалиги билан қелишмай туриб «Чорвалдор» кичик қорхонасига 0,5 гектар, саноат қурилиш-монтаж бошқармасига 2 гектар, улғурчи савдо базасига 0,8 гектар экин экиладиган ерларни бериб юбормаган бўларди.

Дунёдаги ривожланган мамлакатларда ер сотилаётганда ёки янгилан қурилиш қилинаётганда аввал ернинг қиймати белгиланади, сўнг эса бийонинг нархи чиқарилади. Бизда эса иншоотлар, турар-жой бинолари шов-шув билан сотилади-ю, шу буюн, иншоот жойлашган заминга бутунлай эътибор берилмайди. Сўнгги икки йил мобайнида вилоят давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг васийлигида мингдан ортиқ турли хил иншоотлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, мулк эгаларига топширилди. Ана шу сотилган мулкларнинг ҳаммасида иншоотлар, асбоб-ускуналар, турар-жой бинолари нархи белгиланган-ю, ерининг нархи ҳақида бирорт бир киши ўйлаб қургани йўқ. Риштон туманида 161 та, Фарғона туманида 154 та, Тошқоқ туманида 145 та, Қува туманида 119 та иншоот сотилган. Лекин ана шу иншоотларнинг ҳудудидида ерлар неча гектарлигини, қанчага баҳолашини на туман раҳбарлари, на меъморлар ва на ер тузиш мутахассислари билишмайди. Бу муаммо ҳақида сўз очилса, раҳбарлардан тортиб мутахассисларгача ерларни махсус комиссия зоналарга ажратиб, баҳолаб бериши керак, деган вақ-қорсонни қўндаланг қилишайди. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси савдо ва хизмат қўрсатиш соҳалари объектларини улар жойлашган ер участкалари билан хусусий мулк қилиб сотиш тартиби тўғрисида шу йилнинг июль ойида махсус қарор қабул қилган. Бу қарорда қатта-кичик шахарларда ер участкаларининг дастлабки нархларига баҳо белгилаб берилган. Афсуски, шундай қарор борлигини айрим туман ва шаҳарларда умуман билишмайди ҳам.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.




Жан-Поль ВЕЗИАН, Франциянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси:

Элчи жаноблари семинарда сўзга чиқиб, Францияда парламент сайловлари қандай ўтиши ҳақида гапирди ва Ўзбекистоннинг янги парламенти демократия ҳамда республиканинг янада гуллаб яшнашига хизмат қилишини талаб қолди.



Пол БЕРН, Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси:

Мен таркиб топаётган янги парламент -- Олий Мажлис ва мамлакатининг янада тараққий топиши ҳамда демократлашуви муваффақият тилайман.



Олий Мажлисга бўладиган сайлов эркин, демократик сайлов бўлиши ва у халқимизнинг хоҳиш-иродасини тўла-тўқис ифодалаш учун ҳамма асослар яратилди



Шукур ТЕМИРОВ, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жағмараси раиси:
ОЛИЙ МАЖЛИСга сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раисларининг уч кунлик семинар-кенгаши уюштирилгани аини муддао бўлди.

деб уйлайман. У сайловларнинг идолатли, қонуний ўтиши йўлида муҳим босқич вазиёсини ўтади. Семинар-кенгашида чет эллик меҳмонларнинг иштирок этишгаётгани эса сайловга қолган вақт ичида ўзаро тажриба алмашиш имконини беради. Қолаверса, маҳаллий ҳокимият вакиллари ҳам сайловларнинг қонуний ўтиши юзасидан керакли маслаҳатларга муҳтождирлар.

Маҳалла оқсоқоллари ва улар атрофида жипслашган фавқулодда ва мухтор элчи билан шу кунларда сайловдаги тушунтириш ишларини қизгин олиб бормоқдалар. Улар Олий Мажлисга ўтказиладиган сайловнинг ўзинга хос жиҳатларини кенг оммага тушунтирмоқдалар. Ишонимизки, давлатимизнинг янги Конституцияси қабул қилингандан кейинги ушбу биринчи чинакам демократик сайловлар кўтаринки руҳда уюшқоқлик билан ўтади.



Муроджон АБДИЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ташкилий бўлими мудири, Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистон Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияси раиси:

Мустақил республикамизда илк бор кўппартияликка асосланган, демократик руҳдаги сайловларга тайёргарлик қўрилмоқда. Бу эса бизнинг зиммасига нисбатан улкан масъулият юқлайди. Уни уюшқоқлик ва оқоинишга тарзда ўтказиш, аввало, сайлов округларида фаолият қўрсатаётган кишиларнинг сайлов тўғрисидаги қонуналарни пухта билишлари, уларга қатъий риоя қилишлари, қолаверса, бу борадаги ишларнинг бениқсон ташкил этилишига боғлиқ. Ана шу маънода ушбу анжуманининг ўтказилиши аини муддао бўлди. Семинар иштирокчилари сайлов тизимини ислох қилиш борасида қилинаётган хайрли юмушлар тўғрисида етарлича тасаввурга эга бўлишди, деб уйлайман. Бу эса кейинги босқичлардаги ишларимизни янада пухта ташкил этилишига ақиддан ёрдам бериши шубҳасиз.

Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказиладиган ўн тўртта сайлов округи ташкил этилган. Бугунгача уларнинг барчасидан номзодлар қўрсатиб бўлинди. Улар орасида иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, тадбиркорлар, маданият ва фан соҳасида фаолият қўрсатаётган мутахассислар бор.



Миржалол МИРСАИДОВ, Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи 94-сайлов округи комиссияси раиси:

Семинар-кенгаш кун тартибига бинаон биз пойтахтимиздаги бир қатор сайлов округлари комиссияларига ташриф буюриб, уларнинг иш тажрибалари билан бево-сита танишамиз. Бу эса барчамиз учун фойдалидир. Негаки, мамлака-

тимизда биринчи бор кўппартияликка асосланган сайловларга ҳозирлик қўрилмоқда. Табиийки, бундай шароитда сайлов округлари комиссияларининг қўра алоқалари ҳамда тажриба алмашишлари аини муддаодир.

Вилоятимизда ҳам бугунги сайловларга пухта тайёргарлик қўрилади. Шу кунгача барча сайлов округларида депутатликка номзодлар рўйхати олиб бўлинди. Рўйхат матбуотда эълон қилинади. Биз сайловнинг ташкилий жиҳатларига алоҳида эътибор бераётимиз. Ҳозиргача депутатликка номзодлар ҳақидаги маълумотномалар, сайлов қозғалари ва керакли ҳужжатлар тайёрлаб қўйилди.

Сайлов комиссияси қизгин босқичга қадам қўймоқда. Демак, ишларимиз янада тизиллашади, зиммасиздаги масъулият юки тобора ортибди. Ана шу синовлардан ёрғуз билан чиқишимизда мазкур анжумандан олган сабақларимиз асқотиши турган гап.

ТАЖРИБАЛАР БИЛАН ТАНИШИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раисларининг уч кунлик семинар-кенгаши қатнашчилари кеча тушдан кейин машғулотларни секцияларга бўлинган ҳолда давом эттирдилар. Биринчи гуруҳ аъзолари шаҳардаги Темирйўлчилар маданият саройига йиғилишиб, 9-Миробод сайлов округининг иши билан танишишди. Туман ҳокимининг муовини Ю. Шарипов семинар-кенгаш

иштирокчиларини туманда амалга оширилаётган бир қатор тадбирлар билан таништирар экан, асосий эътиборни сайлов округи ва сайлов участкаларидаги тайёргарликлар қандай бораётганига қаратди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар 25 декабрь кун республикамизда ўтказиладиган янги парламент сайловига пухта тайёргарлик қўриш, сайловнинг кенг демократия ва амалдаги қонунга асосан ўтказиш хусусида фикр билдирдилар.

Семинар-кенгаш иштирокчиларининг сайловни ўтказиш бўйича берган саволларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қ. А. Аҳмедов батафсил жавоб қайтарди.

Ушбу анжуман бизда жуда катта таассурот қолдирди, -- дейди Самарқанд вилоятининг 121-сайлов округи раиси Х. Турсунов. -- Кечаги ва бугунги йиғилишларда жаҳоннинг

бир қатор тараққий этган мамлакатлари, масалан, АҚШ, Япония, Буюк Британия, Туркия, шунингдек, Россия, Украина, каби МДХ мамлакатларидан келган вакиллар бизда ўтказилажак сайловлар демократик қонунларга асосланганлигини бир неча бор таъкидлашди. Ўз вақтида биз уларнинг бу борадаги иш тажрибалари билан танишдик. Мана бугун 9-Миробод сайлов округида олиб борилаётган тайёргарликларнинг гувоҳи бўлиб ту-

рибмиз. Ўйлаймизки, ушбу семинар-кенгаш олимизда турган масъулиятни ва хайрли вазиёларни ҳал қилишда бизга жуда катта дадда бўлади.

Муҳиддин Сайдалиев, 225-Қасб сайлов округи комиссияси раиси:

Семинар-кенгашдан биз жуда кўп нарсга олапимиз. Маълумки, мустақил давлатимизнинг Олий Мажлисига илк бор халқ вакиллари сайланди. Бу, албатта, барча сайлов округлари ва участкалари аъзолари зиммасига нисбатан катта масъулият юқлайди. Менимча, бу сай-

ловда иштирок этадиган номзодлар ҳам, округ ва участкаларда масъул бўлган кишилар ҳам тарафлама ҳалол, ўз ишига талабчан бўлишлари шарт. Энг асосийси, биз бу галги сайловларда халққа қуруқ ваъдалар берадиган, ҳавоини гаплар билан сайловчилар овозини олишга эришадиган кишиларни эмас, балки халққа, мамлакатимизни иқтисодий ва миллий тараққиётга хизмат қиладиган, эл учун ёниб яшайдиган кишиларгагина овоз беришга эришмоғимиз керак.

Мен Ўзбекистонда ҳам яқин кунларда замонавий парламент ташкил топишига ишонаман. Сайловда ҳамма халқ хоҳиш иродасини асосий фактор ҳисобланган. Шундай экан парламент мандатига фақат халқ қўллаб-қувватлаган кишиларгина эга бўла олади.



Назм гулшани

ТАСКИН

Мунтабир манзилми ҳади узоқлар,
Олчилаб чармаси сўғис сўқмоқлар.
Гоҳ шаффоф булоқча дуч қилар тақдир,
Бошимда чарақлар гоҳи чақмоқлар!

Куксимда сизмайди ажиб бир нолон,
Неиндир зор излаб, куйдай ашидм.
Тақдирда бор экан омадди имкон,
Дил истар оқимта бориб қўшилдим.

Қалбимда сўнган ўт қайтадан ёниб,
Тафтини сезаман меҳр-қушнинг,
Киприклар ҳў бўлиб ичади қониб,
Севингча йўрилган қайноқ куз ёшини.

Нафаси қайтудек титрайди тўфон,
Тузага бошлайди ўзин кам-қўстар.
Роҳату аэоблар турган ёни-ён,
Бир енда қа тугган елкаш дўстлар!

Ораулар бўй чўзиб жимайди ахир,
Отанин муҳаббат пешвои чинди зор.
Хайрият, қайтарди сенг ҳам тақдир,
Она-Ўзбекистон -- ай гузла диёр!

КУНЛАР...

Йинги эмас умр дафтарин,
Унда дара бор, бор унда омад.
Сеҳради мени бир парин,
Кулар келди сирин, аломат.

Қалб--боғимда чечак очди юз,
Баҳор яшар бунда саломат.
Кувончимга куз тегмасин, куз,
Кулар келди сирин, аломат.

Мижгон гаплар тумандек тарқаб,
Йул тополмай сарсон аломат.
Иккимизнинг бахтимиз алаб,
Кулар келди сирин, аломат.

Ёришди-ку бизнинг ҳам осмон,
Ой, қуёш, юлдузи беҳад.
Этагиди виждони имон,
Кулар келди сирин, аломат.

Қўйинг энди бизларни холи,
Фолбиллардай қиёманг қаромат.
Қаршимизда савоб улоли,
Кулар келди сирин, аломат!

КҮНГИЛ

Қалбингизнинг ашиқларидан
Кеча-қундуз узамас қадам.
Шоданик утса қайси бирдан,
Қириб келар қай бирдан там.

Қарашингиз ҳаммага тенгдир,
Ҳаммасини бирдай сузсан.
Феълнингиз ҳам осмондай кенгдир,
Йиғмайсан, қуяиб қўясан.

Бу дуненин тиласини беҳад,
Куз боғидаги каби уйини.
Гуе ҳамма фаршдадай қад,
Чалар инсоф, имон куйини.

Қуваник -- тулки чап берар кузга,
Унда дара бор, бор унда омад.
Сеҳради мени бир парин,
Кулар келди сирин, аломат.

Қалб--боғимда чечак очди юз,
Баҳор яшар бунда саломат.
Кувончимга куз тегмасин, куз,
Кулар келди сирин, аломат.

Мижгон гаплар тумандек тарқаб,
Йул тополмай сарсон аломат.
Иккимизнинг бахтимиз алаб,
Кулар келди сирин, аломат.

Умр ўтар сеҳримай секин,
Ғам-андуҳлар тушмаси бошга.
Қуларнингиз очилмас экан,
Пешонангиз тегмаси тошга!

СУЮКЛИГИМ...

Суюклигим, қошиндаман
Дилда неки бори билан,
Тинчлик бермас енган олов --
Муҳаббат -- зори билан.

Оҳ десанг ҳам, воҳ десанг ҳам
Авайласанг бахтим шудир --
Турт фасли феълимдаги
Тўфон, ёмғир, қори билан.

Қувонч ҳамроҳ, алам ҳамроҳ,
Таъшиларнинг чеки йўқдир,
Гоҳ уфуриб, гоҳ қадаган
Райҳон, гуллар, хори билан.

Адолатини, ҳақиқатини
Гирён излаб топди қалбим,
Сарсонимдан қайтади охир
Имон, инсоф, ори билан.

Тўшовланган тилим энди
Занжирларин бир-бир узди,
Сузламоққа, қуйламоққа
Шайларга дил -- тори билан.

Тақдир яна дуч қилмасин
Азобланган урим қийнаб,
Мехробларда писиб ётган
Чаёнлару мори билан.

Чанг-губорлар йўқлик сари
Бир-бир сингир битараф-ей,
Ардқасанг, суйсанг етар
Сен қалбингизнинг бори билан.

Ўткир РАҲМАТ,
Чўпон мукофотининг соҳибОРЗУЛАР БҲЙ ЧЎЗИБ
ЖИЛМАЙДИ АХИР...

Бир кун дўстлар қўни ёшлар
Ўтиб кетди десналар-ей,
Қайтиб келмас бу дунёга
Ўткир вафодори билан!

ФАРЗАНД

Нигоҳлар қадаиб нени кутарлар,
Қўқинини муштайди ажиб галаён.
Ҳамшира қизлар-чи--оппоқ капталлар
Суюнчи сўра деб нитиқ куз шодон.

Чўнган оҳудек титрай хамалар,
Таваккал қошида уйга толади.
Умидлар ашиқда пича қавалар,
Шубҳалар соҳси парда солади.

Ўйлайсан, не бўлар ертати шитоб,
Не бўлар тугатди умринг дафтарин.
Чарақлаб турса-ю оламода офтоб,
Саболар сенингиз кесса сарсарин.

Ҳаётда бор шоданик, тирнаклар, ташвиш,
Бир кун бағрига сенг оламаса.
Фусункор баҳор ошпоқ соҳли киш
Ҳаёт дафтариндан жой тополмаса.

Хайрият, ашиқдан жимайиб бир-бир,
Қўрнча бошлайди "оппоқ капталлар".
Ишондан ҳақириб бўшашар сабр,
Умидлар қалдини бардам тутарлар.

Қай йўлга тортмасин хайлини ҳарчанд
Тил тиллаб кетди-ку шубҳалар бари.
Дунёга келибди сен кутган фарзанд,
Умрининг давоми -- оппоқ дафтарин!

Халлар тиллашар само, ер билан,
Тўшунлик бутунлай бўлди буюн ет.
Умрининг ай умри, сен унга улан,
Фарзандлар бор экан -- бор бўлар ҳаёт!

Спорт

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА...

Футбол бўйча Ўзбекистон III миллий чемпионатининг навбатдаги тур урашувлари ўтказилди. Ушбу тур жамоаларининг мусобақа жадвалида эгаллаб турган ўринларига деярли ўзгаришлар киритилди. Олий лигада ўтказилган етти урашулда ларвозалар 23 марта ишол қилинди. Бу мавсум давомидаги ўртача кўрсаткичдир.

Турнир пешқадами Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси асослиги МХСК билан кечиктирилган урашувини ўтказди. Урашув 3:3 ҳисобида жангдор дурани билан якунланди. Шуни қайл этиш жоизки, тўпурларлар баҳсида пешқадамлик қилаётган Рашид Бозоров ушбу урашулда бир йўла учтўп муаллифи бўлди. Яқинда кунин фарониликлар «Гулустон» жамоасининг меҳмони бўлиди.

Урашулда «Нефтчи» 2:0 ҳисобида галаба қозонди. Фарғоналиклар учинчи марта Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритиши учун қолган беш урашувдан 2 очко олсалар қифон. Келгуси турда «Нефтчи» Қўқонда «Темирйўлчи»га қарши майдонга чиқади.

Совридаги ўринлар учун кураш олиб бораётган жамоалар ҳам ушбу турда галаба қозонишди. Бухоронинг «Нуратош» клуби ўз майдонини «Янгир»дан устун (2:0) келди. «Навбахор» эса АСК жамоасини қабул қилиб, рақибидарвоҳасига иккита тўп киритишга муваффақ бўлди. Сурхондарёликлар фақат битта жауоб тўп киритишга эришилди.

Чемпионатнинг бронза медалини қўлга киритишга ҳаракат қиладиган МХСК жамоаси сафарда «Орол»ни 1:4 ҳисобида мағлубиятга уратиб, муҳим икки очкога эга бўлишди.

Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси яна муҳлисларини раҳнатиди. Бу гал улар ўз майдонини «Трактор»га ютқазиб (1:2) қўйишди. «Орол» билан кечиктирилган урашулда эса 5:1 ҳисобида галаба қозонишди. Ушбу урашулда пахтакорчи Шўхрат Мақсулов уч марта тўп киритишга муваффақ бўлди.

Қолган урашувларда қўйидаги натижалар қайл қилинди: «Темирйўлчи» -- «Наврўз» -- 4:2, «Атлети» -- «Сўдиёна» -- 0:2, «Политотдел» -- «Чирчик» урашуви чирчиклик футболчилардан бир гуруҳи бестоб бўлиб қолганлиги сабабли бошқа кунга қолдирилди. Навбатдаги тур урашувлари бүгун ўтказилди.

Кеча кечқурун ўтказилган 36-тур урашувларидан олдин «Динамо» 49, «Машъал» 47, «Қўқон» 43 очко тузган ҳолда турнир жадвалининг кўк-ори погонларини эгаллаб туришди. Кеча «Қўқон» ва «Машъал» жамоалари Косонсойда узаро кураш олишди. Чемпионат якунлаштиришга яна уч тур қолди.

Расул ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОЛИЙ ЛИГА		ТУРНИР ЖАДВАЛИ			
	Ў	Ю	Д	М	Т-Н
1. «Нефтчи»	26	19	7	0	72:30
2. «Нуратош»	27	18	4	5	58:28
3. «Навбахор»	27	15	6	6	54:23
4. МХСК	27	14	7	6	53:26
5. «Темирйўлчи»	27	15	3	9	49:35
6. «Политотдел»	26	13	6	7	42:31
7. «Сўдиёна»	26	13	5	8	47:29
8. «Пахтакор»	27	11	9	7	48:34
9. «Трактор»	27	9	7	11	25:30
10. АСК	27	10	3	14	36:45
11. «Наврўз»	27	10	3	14	30:43
12. «Янгир»	27	7	6	14	39:42
13. «Атлети»	27	5	7	15	25:50
14. «Орол»	27	5	3	18	26:58
15. «Чирчик»	26	5	2	19	24:70
16. «Гулустон»	26	5	2	20	13:61

ИБРАТЛИ
СИНФГА
30 СЎМДАН
СТИПЕНДИЯ

ЧЕЛЭК тумани (Самарқанд вилояти)даги Оққўрғон жамоа хўжалиги раиси Тошпўлат Эшмуродовнинг ташаббуси билан 30-урта мактабнинг энг ибратли синфига 30 сўмдан, ҳар бир аълочи ўқувчига эса 15 сўмдан стипендия жўриқ этилди.

Шу мақсадлар учун хўжалик ҳисобидан ҳар ой 500 сўмдан маблағ ажратилмоқда. Бу бежиз эмас. Бу йил хўжалик 822 гектар ерга уч қарра экан экан, унинг ҳар гектаридан қанда 20 000 сўмдан даромад қилди. Ҳозир 210 гектар ерга аёқланган галла ушиб чиқиб ер юзини қоплади. Кечки картошка, алағи,шод-гом айни кунларда пешма-пеш оғборларга келтирилмоқда. Хўжалик шу ҳосилдан мактеб ошхонасига ҳам тортиқ етмоқчи.

ИССИҚХОНА
ҚУРИЛМОҚДА

НАРПАЙ. Бобур номи агрофирмада бўлган киши ўзини зориий ташкилотга келиб қолгандай ҳис этади. Агрофирмада пахта заводи, биланга бир миллион шартли банк маҳсулот берувчи консерв заводи, нотўқима материаллар ишлаб чиқарувчи киши корхона ишлаб турибди. Етти гектар ерда иссиқхона қурилмоқда.

-- Шу кунларда агрофирма меҳнаткашлари 270 гектар ерга галла экиб бир текис уладириб олишди. Утган йили унинг ҳар гектаридан 33 центнердан жами 700 тонна ҳосил етиштирилган эди. Бу йил ҳосилдорлигини 35 центнерга етказиш мўлжалланмоқда.

Журакул ЭРТАШЕВ,
журналист.

МАТЕМАТИКА КУНИ

Республика ўқитувчилар уйида «Математика кунини» ўтказилди. Унда таниқли олимлар, фан бўйича дарслик яратётган муаллифлар, ўқитувчилар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзолари Ш. Аюпов ва Т. Азларов Ўзбекистонда математика фанининг тарақ-

Янгиликлар

қиети ва истиқболни, яратилаётган янги дарсликлар ҳақида маъруза қилди.

«ТЕМИР ХОТИН»
СОВРИНЛИ БЎЛДИ
КХДР пойтахти Пхеньянда тўртинчи халқаро кинофестивал ўтказилди. Унда жаҳоннинг 43 мамлакатини ва-

киллари иштирок этди. Анжуманда режиссёр Исмаил Эргашевнинг Шароф Бошбеков сценарийи асосида суратга олган «Темир хотин» фильми ҳам намойиш этилди. Ҳакамлар ҳайъати мазкур фильмин «Томошабинлар олқишига сазовор бўлгани ва ўзига хос сценарийи учун» деган махсус соврин билан тақдирлади.

ҲАММА ЕРДА ТЕЖАШ ИМКНИ БОР!

Агар сизда масъулият ҳисси қучли бўлса тежаш йўлини осонгина топа оласиз.

Мана, асосий йўналишлари:

-ускуналарнинг бекор ишлатишга йўл қўймаслик;
-корхоналардаги (манафус пайтида ва ишдан сўнг) чироқларни, қўча ёриткичларини, реклама қурилмаларини ўз вақтида ўчириб қўйиш;
-технологик жараёнларни амалга ошириш;
-ускуналарнинг тўла куч билан ишлатиш таъминлаш;

электр ускуналарини таъминлаштириш.

Шунингдек, саноат корхоналаридаги ёритиш тизимлари ва ёруғлик манбаларининг ҳар хиллиги, уларнинг жойлаштириш, ўз вақтида тозалаш турилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тежаш мақсад эмас.

Тежаш - моддий фаровонликка эришишнинг асосий шартин!

«ЎЗЭНЕРГОНАЗОР».

"Ҳамкор" қўшма корхонаси 3-4 мм. диаметри симлардан 70-120 мм. узунлиқдаги михлар тайёрловчи "Мих автоматлари"ни ишлаб чиқаради ва сотади. Дастгоҳ бир сменали иш режимида 3 - 3,5 ой ичида ўз ҳаражати қоплайди. ГОСТ 3282-74 бўйича 3-4 мм. диаметри пўлат симларга эга бўлган ташкилотларни ҳамкорликка таклиф қиламиз. Телефон: 62-43-68.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН
ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари ҳокимиятлари, концернлар, уюшмалар, идоралар, ташкилотлар ва фондлар билан (Ўзкимёсаноат, Ўзмашсаноат, Геология ва минерал ресурслар давлат комитети, Ўздонмахсулот, Ўзпўлатконструкция, Ўзбекнефтегаз, Ўзбекмебель, Махсус қотишмалар, Ўзозиковкатсаноат, Бошгидромет, Қизилқумкамбелтин, Ўзқурилишматериаллар, "Соғлом авлод учун", Республика тест маркази, "Маънавият ва маърифат" ва бошқалар) ҳамкорликда республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг долзарб масалалари ва халқ ҳўжалиги тармоқлари муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилган илмий-техник лойиҳалар танловини эълон қилади.

Танловга қўйилган масалалар рўйхати, аризалар бериш ва расмийлаштиришнинг асосий шартлари ва қоидалари билан Ўзбекистон Республикаси ФТДК, Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимиятлари, юқорида қайд қилиб ўтилган идора ва ташкилотлар, Фанлар академияси, Кишлоқ ҳўжалик фанлари академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни-сақлаш вазирлигида таништириш мумкин.

Танловга тақдим этиладиган лойиҳалар рўйхатда келтирилган масалалардан муайян бирини ҳал қилишга йўналтирилган ва қўпи билан 1-2 йилда натижа олинишни қўзда тутган бўлиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун аризалар Ўзбекистон Республикаси ФТДКда 1994 йил 11 ноябрдан 3 декабригача, яқинбадан ташқари, ҳар кун соат 14.00 дан 18.00 гача (шанба кунин соат 10.00 дан 14.00 гача) ёки почта жўнатмаси билан (700017, Тошкент, Х. Сулаймонова номидаги кўча, 29-уй) қабул қилинади. Маълумот учун телефон: 39-18-20.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА !!!
Ўзбекистон давлат суғурта муассасалари 1994 йил 1 ноябрдан бошлаб фуқароларнинг қўшимча пенсия суғуртасини жорий қилдилар.

Ушбу суғурта тури пенсия ёшига етгач ҳар ойда ўша даврда республикада амалда бўлган энг кам миқдордаги пенсия пулини қўшимча олишингизни таъминлайди.

Бу суғурта шартномасини тузган фуқаролар бахтсиз ҳодалардан ҳам суғурта қилинган ҳисобланадилар.

ОЗ МИҚДОРДА СУҒУРТА БАДАЛИ ТўЛАБ БОРИШ ОРҚАЛИ СИЗ ЎЗИНГИЗНИ ПЕНСИЯ ЁШИГА ЕТГАЧ ҚўШИМЧА ДАРОМАД БИЛАН ТАЪМИНЛАГАН БўЛАСИЗ !

Маълумотларни 76-97-56 телефони орқали ёки вилоят, туман, шаҳар давлат суғурта муассасаларида олишингиз мумкин. Ўзбекистон давлат суғурта бош бошқармаси.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖўРАБОВЕВ.

• БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Халқаро 33-07-48;
Кишлоқ ҳўжалиги 32-07-94;
Иқтисодиёт 32-36-65;
Маънавият 32-35-60;
Ахборот 32-29-89;
Тўғри муҳаррират 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир -- Х. Сатторов,
Навбатчи -- Ф. Бободўст.